

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.Qx.13.02  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ИПАКЧИЛИК ИЛМий-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ИСМАТУЛЛАЕВА ДИЛОРАМ АДИЛОВНА**

***BOMBUX MORI L.* ТУТ ИПАК КУРТНИНГ ЯДРО ПОЛИЭДРОЗИ ВА  
НОЗЕМАТОЗ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА КУРАШ  
ЧОРАЛАРИНИ ТИЗИМИНИ ИЛМий АСОСЛАРИ**

**06.02.04 – Ипакчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)**  
**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Исматуллаева Дилорам Адиловна**

*Bombyx mori L.* тут ипак куртининг ядро полиэдрози ва нозематоз касалликларини олдини олиш ва кураш чораларини тизимини илмий асослари.....5

**Исматуллаева Дилорам Адиловна**

Научные основы системы мероприятий профилактики и борьбы с нозематозом и ядерным полиэдрозом тутового шелкопряда *Bombyx mori L* .....28

**Ismatullayeva Diloram Adilovna**

Scientific basis of the system of measures for the prevention and control of nosematosis and nuclear polyhedrosis of the silkworm *Bombyx mori L*.....53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works**.....57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.Qx.13.02  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ИПАКЧИЛИК ИЛМий-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ИСМАТУЛЛАЕВА ДИЛОРАМ АДИЛОВНА**

***BOMBYX MORI L.* ТУТ ИПАК КУРТНИНГ ЯДРО ПОЛИЭДРОЗИ ВА  
НОЗЕМАТОЗ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА КУРАШ  
ЧОРАЛАРИНИ ТИЗИМИНИ ИЛМий АСОСЛАРИ**

**06.02.04 – Ипакчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/Qx91 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фан доктори (DSc) диссертацияси Ипакчилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Умаров Шавкат Рамазанович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори,  
катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Насириллаев Бахтияр Убайдуллаевич**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори,  
катта илмий ходим

**Рузибаев Нураддин Рахимович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

**Анорбаев Азим Раимкулович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Qx.13.02 –рақамли Илмий кенгашнинг 2019 «29» октябрь соат 10<sup>00</sup>-даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: [tuaginfo@edu.uz](mailto:tuaginfo@edu.uz) Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (538325-рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. ТошДАУ АРМ биноси, 1-қават. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Қ.Ж.Шакиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис  
ўринбосари., к.х.ф.д., доцент

**У.Т.Данияров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, к.х.ф.д., доцент

**М.И.Аширов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунга келиб 20 дан ортиқ давлатларда ипак қуртлари парваришланиб, ҳар йили насли пиллардан 22-24 млн. қути супер элита, элита ва саноатбоп ипак қурти тухумлари тайёрланмоқда. Етиштирилаётган тут ипак қурти тухумларнинг 63,0 фоизи Хитой Халқ Республикаси, 21,7 фоизи Ҳиндистон, 1,5 фоизи Ўзбекистон ва 13,8 фоизи бошқа давлатларга тўғри келади. Тут ипак қурти тухумларидан дунё бўйича 840-860 минг тонна тирик пилла хомашёси етиштирилмоқда. Шундан, Хитой Халқ Республикасида 650 минг тонна, ҳосилдорлик (85 кг), Ҳиндистонда 150 минг тонна (80 кг), Ўзбекистонда 19,25 минг тонна (59,0 кг) ва 40,75 минг тоннаси бошқа давлатлар улушига тўғри келади<sup>1</sup>.

Дунё миқёсида пилла хом ашёси етиштириш суратлари ошиб бориши билан бир қаторда, тут ипак қуртининг ўта хавфли ядро полиэдрози ва нозематоз касалликлари сабабли етиштирилаётган пилла ҳосилини 15-20 фоизига зарар етмоқда. Ушбу муаммонинг ечими бўйича етакчи илмий марказларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, ипак қуртининг ядро полиэдрози касаллигига чидамли генларни идентификация қилиш, турли келиб чиқишига эга зотлар популяцияларидан сермахсул шаклларни ажратиб олиш, касалликларга қарши биологик ва кимёвий воситалар яратиш ҳамда профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим вазифалар қаторига киради.

Республикамизда тирик пилла етиштиришда юқори натижаларга эришилган бўлсада, тут ипак қуртларини боқиш даврида ипак қуртларида турли хилдаги касалликларга чалиниш ҳоллари кузатилмоқда. Қуртларни парваришlash даврида касаллик тарқалиши, биринчи навбатда пилла ҳосилдорлиги, навдорлиги ва технологик хусусиятларини пасайишига олиб келади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалигини, хусусан ипакчиликни ривожлантириш, тармоқни модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилган»<sup>2</sup>. Пилла ҳосилини ва сифатини сақлаш мақсадида, тут ипак қуртининг ўта хавфли касалликларига қарши курашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш йўли билан, етиштириладиган маҳсулот пилла хом ашёсини босқичма-босқич кўпайтириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2856-сонли «Ўзбекипаксаноат уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 20 мартдаги «Пиллачилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги

<sup>1</sup>inserco.org

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожланиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони

616-сонли «2017-2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорларида ва мазкур соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни ҳал қилишда ушбу диссертация иши тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устивор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.** Тут ипак қуртининг касалликларига қарши кураш ва профилактика муаммоларига бағишланган илмий тадқиқот ишлари жаҳоннинг етакчи марказлари ва олий ўқув муассасаларида, жумладан Department of Sericulture Science (China Guangzhou), College of Animal Science (China), South China Agricultural University (China), Tokyo University of Agriculture and Technology, Silkworm-Attractive Bioresources supplied from Japan (Kyushu, Japan), Central Sericultural Research and Training institute (Mysuru, India), Sericulture and Agriculture Experiment Station (Vratsa, Bulgaria), Agricultural University of Plovdiv (Plovdiv, Bulgaria), Scientific-Research center of Georgian Agriculture (Tbilisi, Georgia), Federal State Bulget Scientific Institution Research station of Sericulture<sup>3</sup> (Stavropol, Russian), Sheki Regional Scientific Center of Azerbaijan (Sheki, Azerbaijan), Украинанинг Миллий илмий марказ қошидаги «Экспериментал ва клиник ветеринар тиббиёти институти» (Харьков, Украина) ва Ипакчилик илмий-тадқиқот институтида (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Юқумли касалликларнинг юзага келиш сабаблари, уларга қарши кураш ва профилактика чораларини қўллаш бўйича дунё миқёсида ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий натижалар олинган, жумладан сарик (Nuclear polyhedrosis) касалига чидамлилик, тут ипак қурти ҳаётчилиги, пилла ҳосилдорлиги ва пилла наводорлигини ошириш мақсадида синаб кўрилган биостимуляторлар таркибида металл бўлган препаратлар самарадорлиги аниқланган (Department of Sericulture Science, South China Agricultural University ва НААН Украина ҳамкорлигида); пибрина (нозематоз) касалини даволашда замонавий антисептик препаратлардан фойдаланишнинг самарадорлиги аниқланган (Озарбайжон РИЦ НАН); сарик касали (ядро полиэдрози) вирусига қарши чидамлиликни оширишда самарали усули яратилган (Scientific-Research center of Georgian Agriculture); тут ипак қуртининг дастлабки оналик тизимларида селекция ишларини таъсири аниқланган (Federal State Bulget Scientific Institution Research station of

<sup>3</sup> Bogoslovskiy V.V. Effectiveness of selection for resistance to Nuclear polyhedrosis virus in initial maternal lines of silkworm // Collection of Scientific papers of the All-Russian Research institute for sheep and goat Breeding. 2014. – P.23-25.

Sericulture. Stavropol, Russian); тут ипак қурти тухумини пибрина касаллигига қарши «Нозематол 5» фармацевтик комплекс препарати яратилган (Ўзбекистон ипакчилик илмий-тадқиқот институти).

Бугунги кунда тут ипак қуртининг касалликларига қарши кураш ва профилактик чораларини ишлаб чиқиш бўйича дунёда қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан касалликлар эпизоотологиясини тадқиқ этиш, патоген микроорганизмлар турлари ва экологик омилларнинг касаллик келиб чиқишига таъсирини аниқлаш; диагностиканинг экспресс-усулларини ишлаб чиқиш; пибрина (нозематоз) касаллигини қўзғатувчисидан холи бўлган саноат тухумларини ишлаб чиқиш усулини такомиллаштириш ва тут ипак қуртининг касалликларига чидамли зот ва тизимларини яратиш борасида янги йўналишларни ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада юқумли касалликларни юзага келиши, уларга қарши кураш ва профилактика чораларини ишлаб чиқиш бўйича Е.Н.Михайлов, А.И.Хаханов, М.Р.Ганиева, Г.А.Вербицкая, Л.Ф.Кашкарова, К.С.Атабекова, М.А.Хакимова, Е.Н.Троицкая, Е.А.Гарафутдинова, Н.А.Ахмедов, С.Сабилов, Я.М.Зияевлар томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Шунингдек дунё миқёсида тут ипак қуртининг протозой касалликларнинг хўжайин ва паразит муносабатларини ўрганишга, дезинфекция воситаларини топишга, тут ипак қуртининг чидамлилигининг ирсий омилларини генлар даражасида ўрганишга йўналган тадқиқотларни дунёнинг бир қатор етакчи олимлари: И.В.Исси, М.Манчев, Э.И.Бабурашвили, И.А.Кириченко, В.А.Головко, Р.Тзенов, С.Салимжанов, Ҳ.Куними, Р.Нирупама, Н.Варамидзе, В.Богословскийлар томонидан илмий ишлар олиб борилган ва ижобий натижаларга эришилган.

Бугунги кунга қадар илмий изланишлар тарқоқ (эпизоотик) ва аниқ бир тизимга эга бўлмаганлиги учун, Ўзбекистон ипакчилигида тут ипак қурти касалликларига қарши курашнинг терапевтик ва профилактика чораларидан фойдаланишнинг асосланган, қатъий дастури йўқ. Баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, тут ипак қуртининг касалликларига қарши кураш ва профилактика чораларининг мавжуд усулларини такомиллаштириш, янгиларини ишлаб чиқиш, тут ипак қуртининг ядро полиэдрози ва нозематоз касалликларига генетик чидамли зотларини излаш ҳамда тут ипак қуртини парваришда, даволаш ва профилактик чораларининг илмий асосланган тизимини яратиш, ипакчиликдаги долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ипакчилик илмий-тадқиқот институти ишлар режасининг П-16.20 «Тут ипак қуртининг пилла ҳосили, уруғларини сифатини оширишни таъминловчи ва ўта хавфли юқумли касалликларига қарши профилактик тадбирларини яратиш» (2003-2005 йй.); 181-сонли «Тут ипак қуртининг ўта хавфли касалликларини олдини олувчи ва ишлаб чиқаришга юқори чидамли зотларни аниқлаш чораларини ишлаб чиқиш»

(2006-2008 йй.); КХА-10-59 «Тут ипак қурти зотларини ўта хавфли (ядро полиэдрози ва нозематоз) касалликларига чидамлилиги бўйича наслчилик станциялари ва уруғчилик корхоналари учун Кадастр яратиш» (2009-2011 йй.); КХА-9-029 «Пилла ҳосили ва сифатига зарар келтирувчи тут ипак куртнинг ўта хавфли (ядро полиэдрози ва нозематози) касалликларига қарши самарали чораларини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.); КХА-9-150 «Тут ипак куртнинг нозематоз касаллиги билан кураш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тут ипак куртнинг ядро полиэдрози ва нозематоз касалликларига қарши табиий, кимёвий воситалар таъсирини ҳамда янги профилактик чора-тадбирлар тизимини илмий асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тут ипак куртини боқиш даврида сариқ ва пегрина касалликлари тарқалишининг олдини олиш мақсадида, нозематид ва вирулицид таъсирга эга, профилактик воситаларнинг самарадорлигини исботлаш;

пилла ҳосилини ва сифатини ошириш мақсадида, ядро полиэдрози кўзгатувчиси индукциясига тут ипак куртнинг чидамлилигини оширишга имкон яратувчи воситаларнинг оптимал концентрациясини аниқлаш;

тут ипак қурти тухумининг ривожланишида пегрина касаллигига спорасига қаршилиги кўпроқ намоён бўлган даврини аниқлашни илмий асослаш;

тут ипак куртнинг тухуми сифатини ошириш мақсадида антисептик препаратлардан фойдаланишни тадқиқ этиш;

тут ипак куртнинг пегрина касаллигига чидамлилигини ошириш ва куртларнинг бош сонини сақлаб қолиш мақсадида, куртлик даврида биостимулятордан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш;

тут ипак қурти турли зотларининг ядро полиэдроз касаллигининг латент вирусига ирсий чидамлилигини ўрганиш;

*Nosema bombycis* спораси билан сунъий зарарлашда, тут ипак қурти турли зотларини чидамлилигини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида *Bombyx mori L.* тут ипак куртнинг турига мансуб зотлари, селекцион тизимлари ва тут ипак куртнинг ядро полиэдрози (сариқ касаллиги) ва нозематоз (пегрина) касалликлари.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, куртлар ҳаётчанлиги, ядро полиэдроз ва нозематоз касаллик кўзгатувчиларига турлича генетик чидамли бўлган тут ипак қурти зот ва тизимлари, пилла оғирлиги ҳамда дезинфекция ва стимулятор воситаларининг турли концентрациялари, таъсир этиш миқдорлари ва муддатлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий-тадқиқот ишларини бажаришда анъанвий тут ипак қурти наслчилик ишлари, тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш, касалликка чалинган куртлар гемолимфасидан полиэдларини ажратиб олиш, нозематоз спорасини кучли миқдордаги суспензиясини тайёрлаш, *in vitro* биологик усул йўли билан кимёвий

препаратларни ноземацид таъсирини аниқлаш, тухумга препаратлар билан ишлов бериш, нозематозни сунъий йўл билан зарарлантириш, ядро полиэдрози касаллиги вирусини қўзғатиш мақсадида совуқ индукция қилиш усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйдагилардан иборат:

илк бор тут ипак қуртини янги қўйилган тухумининг 8 кунлик даврида тухумда паразитнинг вегетатив шакллари - планонтлар ва меронтлар кўпроқ мавжуд бўлганлиги сабабли, тухумнинг ривожланишида антисептик препаратлардан фойдаланиш учун қулай бўлган даври аниқланган;

«Септаксин» ва «Химикс» воситаларини *Nosema bombycis* спорасининг ҳаётчанлигини пасайтириши исботланган;

ядро полиэдрози қўзғатувчиси полиэдрларининг оксил қобиғини тўлиқ эритиш, инфекция хусусиятини йўқотишда «Септаксин» ва «Химикс» препаратларининг юқори вирулент хусусияти аниқланган;

комплекс аминокислоталар (аминокислоталар каби) эритмасидан ташкил топган «Фитобакс» препарати билан соғлом тухумларга ишлов бериш, ноқулай харорат омиллари сабабли юзага келган ядро полиэдроз касаллиги билан нобуд бўлган қуртларни сонини камайитиришда қўллаш мумкинлиги исботланган;

тут ипак қуртини чидамли зот ва партеноклонлари аниқланган;

тут ипак қуртининг қуртлик босқичида ўсимликлардан тайёрланган биостимуляторлардан фойдаланиш қуртларнинг иммун реакциясини кучайтириш мумкинлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:**

тут ипак қурти наслчилик станциялари ва уруғчилик корхоналари учун ядро полиэдрози ҳамда нозематоз касалликларига чидамли зот ва партеноклонлари рўйхати аниқланган;

тут ипак қурти бош сонини сақлаб қолиш ва касалликларга чидамлилигини ошириш мақсадида, уларга тухумлик ва қуртлик даврларида биостимуляторлардан фойдаланиш усули «Тут ипак қуртининг сариқ ва пегрина касалликларига қарши курашда профилактика чораларини ўтказиш бўйича тавсиялар тўплами» ишлаб чиқилган;

тадқиқотлар натижасида нозематоз касалига қарши курашда, самарадорлиги формалинга нисбатан 6,6-11,7 фоизга юқори бўлган, янги дезинфекцияловчи, 5,0 ва 10,0 фоизли «Септаксин» ва «Химикс» препаратлар аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотлар замонавий услуб ва воситалардан фойдаланилган ҳолда ўтказилган, Ипакчилик илмий-тадқиқот институти апробация комиссияси томонидан тадқиқот ишлари ва бирламчи материалларга ижобий баҳолар берилган, барча олинган рақамли маълумотлар биометрик, статистика усули билан ишлов берилгани, олинган натижалар, ишлаб чиқаришга жорий қилиш далолатномаси билан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тут ипак қуртининг ядро полиэдрози ва

нозематоз касалликларига қарши ўсимликлардан тайёрланган биостимулятор препаратлар фаоллигини аниқлаш, хавфли касалликларни даволаш-профилактик жараёнларида янги қўйилган тухумга таъсир этиш оптимал даврини аниқлаш, қуртлар ҳаётчанлиги ва касалликларга чидамлилигини ошириш, ҳамда янги дезинфекция воситаларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган «Ўта хавфли касалликларга (ядро полиэдрози ва нозематоз) чидамлилиги бўйича тут ипак қурти зотларининг Кадастри», касалликка чидамли зот ва тизимларни яратишда республикамизнинг илмий-тадқиқот муассасалари ва наслчилик станцияларида фойдаланилади, аниқланган ва жорий қилинган дезинфекция, стимулятор ва антисептик воситалар, тут ипак қуртининг ядро полиэдрози ва нозематоз касалликларини тарқалишининг олдини олади ва юқори пилла ҳосилини олишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тут ипак қуртининг ядро полиэдрози ва нозематоз касалликларини олдини олиш ва кураш чоралари тизимининг илмий асосларини яратиш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

«Тут ипак қуртининг ядро полиэдрози ва нозематоз касалликларига қарши профилактик чора тадбирларини ўтказиш бўйича тавсиянома» тасдиқланган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 февралдаги 02/35-111-сон маълумотномаси). Натижада наслчилик уруғчилик станциясида Ипакчи 1 ва Ипакчи 2 зотларининг 89 қути уруғига препарат билан ишлов берилиб, қўшимча 1,8 кг насли пиллалар олинган ва иқтисодий самарадорлик 1 қути қурт хисобидан 312413 сўмни ташкил этган;

тут ипак қуртини сифатини ошириш учун «Гренолид плюс» антисептик воситаси «Андижон насли ипак қурти» МЧЖда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 февралдаги 02/35-111-сон маълумотномаси). Натижада 30 қути Ипакчи 2 зотининг суперэлита тухумини препарат билан ишлов берилиш ҳисобига қўшимча 4,6 кг насли пилла етиштирилиб, ундан қўшимча 2,3 қути элита тухуми олинган ва иқтисодий самарадорлик 241340 сўмни ташкил этган;

тут ипак қуртини сариқ касаллигига чидамлилигини оширувчи «Фитобакс» препарати «Фарғона тут ипак қурти уруғчилиги» МЧЖда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 февралдаги 02/35-111-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида биостимулятор билан Ипакчи 1 зотининг 117 қути элита тухумига ишлов берилиши, натижасида қўшимча 3,4 кг насли пилла олинган ва қуртларни боқиш даврида касаллик белгилари камайиши имкони яратилган;

«Андижон насли ипак қурти уруғи тайёрлов» МЧЖ корхонасида «Гренолид плюс» антисептик воситаси билан Ипакчи 1 ва Ипакчи 2 зотларининг 50 қути суперэлита уруғига ишлов беришда қўлланилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 февралдаги 02/35-111-сон маълумотномаси). Натижада ҳар 1 қути қуртдан қўшимча 4,0 кг дан пилла олинган ва иқтисодий самарадорлик 65400 сўмга тенг бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та қўлланма, 3 та тавсиялар тўплами, 1 та депонент қилинган илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, жумладан, 18 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, етти та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида бажарилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва тадқиқотлар предметлари баён этилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожланишнинг устивор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти батафсил келтирилиб, натижаларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, чоп этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тут ипак қурти касалликлари профилактикаси ва уларга курашиш чоралари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи боби бешта кичик бўлимлардан иборат бўлиб, *Bombyx mori L.* тут ипак қуртининг касалликлари ва уларнинг келиб чиқиши, микроорганизмлар таркиби, тут ипак қурти касалликларини диагностикаси, профилактикасига бағишланган, хориж ва республикамиз олимларининг илмий ишлари натижалари қисқача тавсифи келтирилган.

Илмий адабиётлар таҳлилига кўра, хўжайин-паразит ўзаро муносабатлари, паразитнинг организмга таъсири нуқтаи назардан, зарарланган хашаротнинг паразит инвазиясига иммун реакцияси жавоби нуқтаи назардан ривожланган. Хашаротларда ҳам хужайрали, ҳамда уларга хос бўлмаган гуморал иммунитет мавжудлиги аниқланган. Аммо бу йўналишдаги тадқиқотлар тарқоқ, системали характерга эга эмас. Шунинг учун ҳозиргача Ўзбекистон ипакчилигида, тут ипак қурти касалликлари билан курашишда профилактик ва терапевтик чораларни қўллаш ҳақида асосланган ва давомли дастур йўқ.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва услубиятлари**» бобида тадқиқотлар объекти, жойи ва услублари, ҳамда унинг схемаси баён этилган. Тажрибалар 2003-2018 йилларда Ипакчилик ИТИ нинг «Тут ипак қурти ва дарахти зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш» лабораториясида ўтказилди. Тадқиқот объекти қилиб, районлаштирилган, генетик-модификациялаштирилган, йирик пиллалар, ингичка пилла ипини берувчи зот, партеногенетик клонлар, ва уларнинг ядро полиэдроз, нозематоз касалликлари танланди.

Диссертациянинг «**Янги дезинфекция воситаларини ядро полиэдрози ва нозематоз касалликлари кўзгатувчиларига таъсирини ўрганиш натижалари**» деб номланган учинчи бобида турли концентрациядаги кимёвий Альтосан, Септаксин, Септадез, Химикс препаратларидан фойдаланилди.

Нозематоз кўзгатувчиси спораларининг ҳаётчанлигини максимал камайтирувчи восита, бу – 10,0 % ли Септаксин эритмаси бўлиб чиқди. Бундай таъсир сабаби, бир томондан касал кўзгатувчи ривожланишининг вегетатив босқичида, препаратни ҳалокатли таъсири бўлса, иккинчи томондан эса спора пайдо бўлиш жараёнига ингибитор таъсиридир. Фойдаланилган препаратлар, касал кўзгатувчисининг спораларига ҳалокатли таъсир этади, деб тахмин қилиш хато бўлади, бизга маълумки, споранинг хитин қобиғи жуда мустаҳкам (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Септаксин ва Септодез препаратлари таъсиридан сўнг нозематоз кўзгатувчи спорасининг ҳаётчанлиги (2006-2007 йй.)**

№	Дезинфекция воситалари (концентрация )	Капалаклар зарарланишини экстенсивлиги, %			Споранинг ҳаётчанлигини пасайиши, %		
		$\bar{X} \pm S \bar{x}$	$C_v, \%$	Pd	қиёслов-чига нисбатан	форма-линга нисбатан	шавел. кислотага нисбатан
1	Септаксин 3,0 %	26,2±0,92	6,1	0,999	68,5	-	-
2	Септаксин 5,0 %	12,3±0,98	13,8	0,992	82,4	11,7	6,3
3	Септаксин 10,0 %	2,2±0,29	12,7	0,999	92,5	21,8	16,4
4	Септадез 3,0 %	84,9±0,58	1,2	0,999	9,8	-	-
5	Септадез 5,0 %	83,7±0,63	1,3	0,996	11,0	-	-
6	Септадез 10,0 %	78,9±0,43	6,8	0,999	15,8	-	-
7	Қиёсловчи (споралар сувда)	94,7±0,63	1,2	-	-	-	-
8	Қиёсловчи материални тозаллиги бўйича)	0,0		-			
9	Формалин 10,0 %	24,0±0,58	10,7	0,999	70,7		-
10	Шавелевая кислота 10,0%	18,6±0,52	4,8	0,999	76,1	5,4	

Жадвалдаги маълумотларга кўра, тажриба қилинаётган материал (ипак қурти капалаги) ни микроскоп остида таҳлил қилинганда, дезинфекцияловчи воситаларининг Септаксин ва Септадез эритмасида нозематоз касаллигини кўзгатувчиси спораларини ушлаб тургандан сўнг қуртларни зарарлантириб, капалакларни зарарланишини камайиши, эритмаларни концентрацияси билан боғлиқлиги аниқланди. Септаксин препаратининг 3,0 % ли эритмасида ушлаб турилган споралар билан боқилган қуртлардан чиққан капалаклар зарарланиш даражаси 26,2 % ни ташкил этди.

Спораларни Септаксин препаратини юқори концентрацияли (5,0 ва 10,0 %) эритмаси билан ишлов берилганда, зарарланиш мос равишда 2,2-12,3 % ни ташкил этди. Бу препаратларнинг, нозематоз кўзгатувчиси спораларининг ҳаётчанлигига ҳалокатли таъсир этиши, кўзгатувчининг вирулентлигини

йўқотиши ва шу билан бирга нозематоз кўзгатувчисининг спораси нобуд бўлиши кузатилди.

Кўзгатувчининг спораларини Химикс препаратини ҳар хил концентрацияли эритмаларида ушлаб турилиб, шу спораларни суспензиясига ишлов берилган барглар билан тажриба вариантыдаги қуртлар боқилди. Зарарланган қуртлардан чиққан капалакларни микроскопик таҳлил қилинганда, зарарланиш даражасини камайиши, эритма концентрациясига боғлиқлиги аниқланди, яъни концентрация юқори бўлган сари спораларнинг ҳаётчанлиги пасайиб, капалакларни зарарланиш даражаси ҳам пасайди. 2-жадвалда микроскопик таҳлил натижалари келтирилган.

## 2-жадвал

### Капалакларнинг нозематоз билан зарарланиш даражалари (2013-2014 йй.)

№	Препарат номи, концентрация, %	Капалакларни зарарланиш даражаси, %			Зарарланишнинг пасайиши, %	
		$\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$	$C_v, \%$	Pd	қиёсловчига нисбатан	формалинга нисбатан
1	Химикс 3,0 %	32,9±0,32	1,7	0,999	53,6	3,2
2	Химикс 4,0 %	31,5±0,38	2,1	0,999	55,0	4,6
3	Химикс 5,0 %	29,5±1,16	6,8	0,999	57,0	6,6
4	Химикс 10,0 %	24,4±0,37	2,7	0,999	62,1	11,7
5	Қиёсловчи (споралар сувда)	86,5±0,58	1,1			
6	Қиёсловчи (зарарланмаган)	0,0				
7	Формалин 4,0 %	36,1±0,45	2,2	0,999	50,4	

Олинган натижаларнинг кўрсатишича, нозематоз кўзгатувчисининг споралари билан зарарланган тут ипак қуртлари, Химикс препаратининг 4,0; 5,0 ва 10,0 фоизли эритмасида ушлаб турилса, споралар ҳаётчанлиги назорат вариантыга нисбатан 55,0-62,1 абсолют фоизга камаяди. Препарат концентрацияси қанча юқори бўлса, касал кўзгатувчи спораларнинг тирик қолиш кўрсаткичи шунча паст бўлди.

Кейинги тадқиқотларда Альтосан, Септаксин, Септодез ва Химикс препаратлари турли концентратцияларда (1,0 - 10,0 %) ядро полиэдрози касалига қарши дезинфекция воситаси сифатида синаб кўрилди. Синаш натижасида, сарик касалини кўзгатувчисини полиэдрларини қобиғини тезда эритди ва самарали таъсир этувчи препарат, бу - Химикс препаратининг 10,0 % концентратцияли эритмаси эканлиги аниқланди. Шунини таъкидлаш лозимки, Химикс препаратининг 5,0 % ли эритмаси ҳам нозематозга қарши юқори самарали таъсирга эга экан.

Юқорида баён этилганларга асосланиб 10,0 % ли Химикс ва Септаксин препаратларини ядро полиэдроз ва нозематоз касалликларини олдини олиш мақсадида қуртхоналар ва жихозларни дезинфекция қилувчи восита сифатида ишлаб чиқаришга тавсия этиш мумкин.

Диссертациянинг «Тухум ривожланишида нозематозга қарши реакциянинг кўпроқ намоён этган даврини аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида антисептик препаратларни ишлатиш учун қулай бўлган, тухумдаги ривожланиш даврини аниқлашга бағишланган тадқиқот натижалари баён этилган.

Трансовариал инфекцияланганда паразит тухумда ривожланиб, тут ипак қуртининг эмбрион давридан бошлаб, халокатли таъсир этади. Шунинг учун, тухумнинг ривожланишида замонавий антисептик воситаларни қўллаш учун қулай бўлган даврини аниқлаш вазифаси қўйилган. Бунинг учун янги қўйилган тухум ривожланишининг биринчи кунидан бошлаб, 8-кунига қадар, Септадез ва Химикс препаратлари эритмаси билан ишлов берилди.

Бу усул қуйидаги мулоҳаза билан асосланади: ингибитор воситаси тухум ичига кириб, унинг эрта эмбриогенез даврида иштирок этиб, вирус таъсирида оксил молекулаларини патологик шаклланишига тўсқинлик қилиши мумкин. Тухумнинг ўтказувчанлик хусусиятига шубҳа қилмаса бўлади, чунки хлорид кислотаси билан диапаузанинг олдини олиш, шу қонуниятга асосланган.

Септадез ва Химикс препарати билан 1-кунлик тухумларга ишлов берилганда, тухумларнинг жонланиши 0,3-1,7 % га, 2 ва 3-кунлик тухумларга ишлов берилганда эса уларнинг жонланишини 1,3-5,0 % га ортиши кузатилди. 4 ва 5 кунлик тухумларга ишлов беришда уларнинг жонланиши 82,0 – 83,7 % ни ташкил этиб, бу қиёсловчига нисбатан 3,7 – 5,4 % га ортганлигини кузатиш мумкин. 6, 7 ва 8-кунлик тухумларга ишлов берилган тажриба вариантларида жонланишнинг ортиши қиёсловчи вариантыга нисбатан 9,0 – 14,0 фоизни ташкил этди.

Шунга амин бўлдики, нозематоз спораларининг кимёвий реагентларга сезувчанлиги, тухумларнинг ривожланиш циклига ва тухум қобиғи структурасининг ўзгаришига боғлиқ. Тадқиқотлар натижасида бу даврни топишга муваффақ бўлинди, бу эса тухум қўйилгандан кейинги 6-8-кунларидир.

Тухум ривожланишида уларга ишлов бериш муддатлари, тухум ичида рўй берадиган физиологик жараёнларга боғлиқдир. Тухумнинг диапауза даврида, физиологик жараёнларни йўналтириш учун ички қайта шаклланиш рўй беради, натижада, янги қўйилган тухум фаол ривожланишга ёки сўнишга ўтади.

Шу нарса маълум бўлдики, тухумларга дастлабки 6-8-кунли даврида ишлов берилиши, уларнинг кислород ютиши билан боғлиқдир. Айнан шу даврда тухум қобиғи тешиклари максимал очик бўлади, демак препарат эритмалари тухум ичига осон ўтади, бу билан тухум ичидаги нозематоз кўзгатувчисининг фаоллашишига тўсиқлик қилади. Тухум қўйилгандан кейин 10-кунига бориб, тухум қобиғадаги тешикчалар тораяди, препарат эритмаси ундан деярли ўтмайди.

Диссертациянинг «Тут ипак қурти зотларини ўта хавфли (ядро полиэдроз ва нозематоз) касалликларига чидамлилиги бўйича Кадастр яратиш» номли бешинчи бобида тут ипак қурти зотларининг ядро полиэдроз ва нозематоз касалликларга чидамлилигини синаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган. Тадқиқотларда тут ипак қуртининг 52 та зот, партеноклон ва тизимлари синаб қўрилди.

Ядро полиэдрози касаллигига турли зотларнинг чидамлилиги бўйича олинган маълумотлар 3 та гуруҳга бўлинди. Гуруҳлар орасидаги самарали натижалар кўрсаткичлари орасидаги фарқни сезиларли даражага етказиш учун, биринчи гуруҳдаги зотлар сонини 25 %, иккинчи гуруҳдаги 50 %, учинчидаги 25 % га бўлиниб олинди. Ядро полиэдрози касалигига чидамлилик кўрсаткичлари 1-дан бошлаб 3-рейтинг гуруҳига қараб пасайиб бориш характериға эгадир. Биринчи ўриндаги – 29 пк, ПС-5, САНИИШ 25, Нафис, Тизим 41, Гулшан, Гўзал, С-8нгл зотлари ядро полиэдрози касалига юқори чидамли бўлиб чиқди (82,2 – 91,3 %). Учинчи ўринни эгаллаган – Линия 51, Линия 48, Согдиана, САНИИШ 9, Китайская 108, “А” зоти, Асака, Меченная 2, САНИИШ 8, Орзу, Юлдуз, Юность зотларининг ядро полиэдрози касаллигига чалиниши юқори даражаллиги (45,4 – 71,3 %) аниқланди. Шуни такидлаш лозимки, ядро полиэдрози касаллигини латент вирусини қўзғатиш мақсадида совуқ индукция килингандан кейин пиллалар оғирлиги камайди. Айрим зотлар қуртларини ҳаётчанлиги ва пиллани ўртача оғирлиги кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

#### Тут ипак қурти зотлари қуртларининг ҳаётчанлиги ва пилла оғирлиги (2005-2014 йй.)

№	Зотлар номи	Қуртлар ҳаётчанлиги, %	Пиллани ўртача оғирлиги, г	Рейтинг
1	Ипакчи 3	91,3±1,09	1,46±0,006	1
2	ПС-5	91,0±1,51	1,47±0,074	
3	Ипакчи 4	89,7±1,28	1,56±0,019	
4	САНИИШ 25	88,1±2,17	1,37±0,013	
5	Нафис	86,7±1,35	1,69±0,020	
6	Марварид	81,4±3,32	1,73±0,030	2
7	Японская 66	80,5±2,72	1,19±0,020	
8	САНИИШ 30	77,2±1,97	1,51±0,028	
9	Линия 40	77,2±1,96	1,30±0,031	
10	Ипакчи 1	76,8±2,57	1,74±0,021	
11	Ипакчи 2	75,5±1,25	1,77±0,020	
12	Мархамат	74,5±2,56	1,67±0,002	
13	Меченная 2	67,9±0,98	1,68±0,021	3
14	САНИИШ 8	60,2±1,55	1,42±0,002	
15	Меченная 1	55,4±1,17	1,47±0,020	
16	Орзу	50,0±1,13	2,02±0,050	
17	Юность	48,0±1,43	1,57±0,022	
18	Юлдуз	45,4±1,65	1,88±0,020	

Маълумки, қуртлар ҳаётчанлиги ва пилла оғирлиги орасида корреляция мавжуд. Ҳаётчанликнинг пасайиши мажбуран пилла оғирлигининг камайишига олиб келади, бу вазият тажрибаларда ҳам кузатилди. Ҳаётчанлиги энг оз пасайган зотларда, пилла оғирлигининг пасайиши ҳам энг кам миқдорда бўлди (САНИИШ 25 – 0,6 % ва 0,03 г; САНИИШ 30 – 1,4 % ва 0,02 г). Ядро полиэдрози касаллигига энг чидамли бўлган, ҳаётчанлиги ва пилла оғирлиги яхши сақланиб қолган – Ипакчи 3 (91,3 %), Ипакчи 4 (89,7 %), ПС-5 (91,0 %) зотларидир. Шу касалликка энг чидамсиз бўлиб,

хаётчанлиги ва пилла оғирлиги энг паст бўлган Орзу (50,0 %), Юлдуз (45,4 %), Юность (59,3 %) зотлари эканлиги аниқланди.

Ядро полиэдрози касаллиги билан ўтказилган каби, юқоридаги 52 та зот, партеноклон ва тизимларининг нозематоз касаллигининг чидамлилигини синаш бўйича ҳам тажрибалар ўтказилди. Тут ипак қуртини нозематозга қарши чидамлилигини аниқлаш, қуртларни V-ёшида сунъий йўл билан касаллига чалинтириш усули билан бажарилди. Олинган натижалар рейтинг баҳолаш учун 3 та гуруҳга бўлинди. Биринчи ўринда - Китайская 108, Японская 127, Ипакчи 3, Ипакчи 4, 153 пк, Гўзал, Марварид, Линия 22, Тошкент 12, АГУ-112, САНИИШ 111, Линия 23, УзНИИШ-9 (70,6-82,0 %) бўлиб, нозематозга қарши энг чидамли зотлар эканлиги аниқланди. Учинчи ўринга эса - С-13, 29пк, САНИИШ 30, Японская 66, Меченная 1, САНИИШ 8, Юность, «А» зоти, 9 пк, 113 пк, Орзу, Юлдуз, Меченная 2 (46,1-61,1 %) зотлари кириб, улар нозематозга қарши энг чидамсиз зотлар бўлиб чиқди. Қолган зотлар эса ўртача чидамликка эга зотлар тоифасига киради.

Ядро полиэдрози ва нозематоз касалликларига чидамлилиги бўйича эгаллаган ўринлар ўзаро таққосланганда, битта зот ядро полиэдрози вирусини индукциясига ва нозематоз касаллигини сунъий йўл билан зарарлантирилганига турлича қаршилиқ кўрсатди. Биринчи ўринга иккала касалликларга чидамлилиги бўйича Ипакчи 3, Ипакчи 4, Гўзал зотлари кирган бўлса, охириги (учинчи) ўринни Орзу, Юлдуз, Меченная 1 ва Меченная 2 зотлари ташкил этди. Тахмин қилиш мумкинки, бу касалликларни турли қўзғатувчилар юзага келтирсалар ҳам, ядро полиэдрози ва нозематоз касалликларига чидамлилигини бир бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда авлоддан ўтган генлар группаси назорат қилади. Синаб кўрилган 52 та зотдан – 12 таси районлаштирилган зотлар, 5 таси партеногенетик клонлар, 7 таси генетик-модификациялаштирилган зотлар, 3 таси ингичка ипак толали зотлар, 14 таси САНИИШ зотлари гуруҳлари иштирок этди. Кўришиб турибдики, тадқиқотларда турли хил генетик имкониятга эга зотлар иштирок этди. Шунинг учун айтиш мумкинки, тадқиқотларда тут ипак қуртининг ҳар хил генетик турлари қамраб олинган.

Тут ипак қурти зотлари турли генетик гуруҳлари ядро полиэдрози ва нозематоз касалига турлича реакция беради деб тахмин қилиш мумкин. Лекин тут ипак қурти, минг йиллар давомида «халқ» селекцияси йўли билан кўпайтирилган бўлиб, табиийки фақат энг чидамлилар авлод қолдириши мумкин. Бу даврлар орасида ипак қурти хайрон қоларли даражада ҳаётчанликнинг комплекс генларига эга бўлади, бу эса унинг турли салбий омилларга қаршилиқ кўрсатишига, ҳатто жиддий юқумли инфекция учраганда ҳам яшаб қолишига имконият яратди.

Шундай қилиб тадқиқотларда, ўзига хос хусусиятлари бир биридан жиддий фарқ қилувчи тут ипак қурти гуруҳлари иштирок этди.

4-жадвалда турли генетик гуруҳларининг касалликларга чидамлиги бўйича кўрсаткичлари берилган.

**Турли генетик гуруҳларидаги тут ипак курти зотларини  
касалликларга чидамлилиги (2005-2014 йй.)**

№	Зотлар гуруҳи	Гуруҳдаги зотлар сони, дона	Чидамлилиқ, %	
			ядро полиэдрозга	нозематозга
1	Районлаштирилган	12	73,7	67,3
2	Партеногенетик клонлар	5	79,7	61,9
3	Генетик-модификациялашган	7	75,7	56,8
4	Йирик пиллали	11	72,0	58,8
5	Ингичка толали	3	74,8	74,1
6	САНИИШ	14	77,6	66,8

Жадвалдаги маълумотлар таҳлил қилинса шу нарса аён бўладики, тут ипак куртининг ген ва хромосома босқичида унинг генига инсон аралашуви, ипак куртининг касалликларга қаршилик кўрсатиш хусусиятини сезиларли ўзгартира олмайди. Аммо, 4-жадвалдаги маълумотларга кўра, ипак курти зотлари барча гуруҳнинг нозематозга чидамлилиги, ядро полиэдрозига нисбатан паст. Агар, ядро полиэдрози касаллигига чидамлилиқ 72,0-79,7 % бўлса, нозематозга чидамлилиқ 56,8-67,3 % (ингичка толалилардан ташқари -74,1 %).

Бунга кўра, турли қўзғатувчилар ва зарарланишнинг турли усуллари, ҳаётчанлик учун жавоб берувчи генлар группаси фаоллигини оптималлаштиради.


Шунинг учун битта зот гуруҳлари турли касалликларга турлича қаршилик кўрсатади. Масалан, пареногенетик клонларнинг ядро полиэдрози касаллигига чидамлилиги 79,7 % бўлса, нозематозга эса - 61,9 %.

Йирик пиллали зотлар гуруҳининг иккала касалликга чидамлилиги энг паст – 72,0 %, 58,8 % ни ташкил этди. Фақат ингичка толали зотлар иккала касалликга чидамли эканлини кўрсатди - ядро полиэдрозига 74,8 % ва нозематозга 74,1 %. Ингичка толалига - Японская 66, Японская 127, Китайская 108 зотлари киради. Бу уччала зот коллекцияда кўп йиллардан бери сақланиб, ёпиқ генетик муҳитда 80-90 генерацияни ўтказганлиги сабабли, летал, ярим летал ва сублетал генлардан тозаланган, гомогенизациялашган инбред тизимларга айланган, бунинг натижасида эса касалликларга чидамлилига бўйича юқори даражага эришган. Лекин бу хусусият ёрқин намоён бўлган характерга эга эмас. Шунинг учун ядро полиэдрози ва нозематозга чидамли деб, у ёки бу гуруҳни кўрсатишга асос йўқ. Аниқланишича, тут ипак куртининг ген ва хромосома даражасида, унинг генига инсон аралашуви, ипак куртининг касалликларга қаршилик кўрсатиш хусусиятини деярли ўзгартирмади. Тут ипак куртининг ҳар бир зоти, касалликга чидамлилиқ бўйича индивидуал хусусиятга эга бўлиб, бу зотнинг генетик йўналтирилганлигига боғлиқ. Тут ипак куртининг зотларини ядро полиэдрози ва нозематоз касалига қарши синаш натижалари асосида «Ўта хавфли (ядро

полиэдрози ва нозематоз) касалликларига чидамлилиги бўйича тут ипак қурти зотларининг Кадастри» ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда бу Кадастр, тут ипак қурти зотларининг касалликларга чидамлилиги бўйича биринчи ва ягона маълумотлар манбаидир. Ишлаб чиқаришда фақат касалликка чидамли тут ипак қуртининг зотлари ишлатилса, ядро полиэдрози ва нозематозга юқори чидамли сифатли дурагай тухумлар яратишга имконият яратилади.

Диссертациянинг «Тут ипак қуртининг тухумлик ва қуртлик даврларида ядро полиэдрози касаллигини спонтан пайдо бўлишини олдини олиш мақсадида, биостимуляторлардан фойдаланиш» деб номланган олтинчи бобида ядро полиэдрози касаллигига чидамлилигини ошириш учун, ўсимликдан тайёрланган биологик фаол бирикмалардан фойдаланиш имкониятларини ўрганишга бағишланган тадқиқот натижалари баён қилинган. Тадқиқотларда - АЛЕУ, АРЕП, ЦЕСК, АТЕН, ААНН биологик фаол бирикмаларнинг турли (0,1; 0,2; 0,5 %) концентрациялари ва уларнинг аралашмалари (ЦЕСК+АРЕП+АТЕН+ААНН) ва тут ипак қуртининг Ипакчи 1 зоти уруғларидан фойдаланилди. Тажрибалар тухумлик ва қуртлик даврларида бажарилди. Тажриба натижалари 1-расмда келтирилган.



**1-расм. Препаратлар билан ишлов берилган ва ядро полиэдрози латент вируси индукция қилгандан сўнг ипак қуртининг ҳаётчанлиги**

1-расмдаги маълумотларга кўра, кўп вариантларда қуртларнинг ҳаётчанлиги назоратга нисбатан кўп бўлмаса ҳам сезиларли ошгани (0,4-3,4 %) кузатилади.

Текшириб кўрилган юқоридаги биостимуляторлардан спонтан равишда пайдо бўладиган ядро полиэдрози касалига энг самарали ва ижобий таъсир қилган, шартли номли АЛЕУ (0,1 %), АЛЕУ (0,5 %), АЛЕУ (0,2 %) ва ЦЕСК (0,1 %) препаратлар эканлиги аниқланди.

АЛЕУ нинг турли концентрациялари орасида энг фаол таъсир кўрсатган бўлиб АЛЕУ 0,1 % ли эритмаси бўлиб чикди (3,4 % ошган). Баён этилганларнинг таҳлилига кўра АЛЕУ препарати айнан тут ипак қуртининг

иммун тизимини фаоллаштириш учун ишлатиш мумкин бўлган воситаси эканлиги аниқланди.

Аниқланишича, ўрганилаётган воситаларнинг юқори концентрацияли эритмалари, медицинада фармацевтик препаратлар каби, тирик организмга салбий (халокатли) таъсир этади. Лактонларнинг нисбатан юқори концентрацияларидан фойдаланилган ҳолларда, ёки жонланиш бир оз ошган (АТЕН 1,0 - 1,25 %) ёки сезиларли равишда пасайганлиги аниқланган (ААНН 1,0 - 8,25 %). Воситаларнинг нисбатан кичик концентрацияларидан фойдаланилганда, қуртлар чиқиши 4,50 - 8,75 % га ошган.

Демак, терпеноидларнинг ижобий ва салбий таъсирини мувозанатда сақлаш мақсадида, препаратлар концентрациясини танлашда эҳтиёт бўлиш керак бўлади.

Маълумки, инсонлар, жонивор ва ўсимликлар яшаши учун аминокислоталар ҳаётий зарур фактор ҳисобланади. Препарат организм хужайралар орасидаги бўшлиқда молекулаларни поляризация бўлишига сабаб бўлади, бу билан моддалар алмашуви фаоллашади, натижада организмнинг ўсишига ва иммунитетнинг кўтарилишига олиб келади. Буларнинг ҳаммаси организмнинг касалликларга қаршилиқ кўрсатиш қобилиятини оширади. Шунинг учун нозематоз касаллигига қаршилигини ошириш мақсадида тут ипак қуртининг, тухум ва қуртлик босқичларида, турли концентрациядаги Фитобакс ва Полимикродиаминпрепаратлари синаб кўрилди. Синаб кўрилган препаратнинг тухумга таъсирини баҳолаш, қуртларнинг чиқиши, қурт боқиш давридаги қуртлар ҳаётчанлиги, 1 та пилланинг ўртача массаси ва 1 грамм тут ипак қуртидан олинган ҳосилга қараб аниқланди. Синаш натижасига кўра, Фитобакснинг синаб кўрилган барча концентрацияларида ижобий самарага эришилган: тухум жонланиши 92,7-93,7 % ва 97,3 % га етган, назорат вариантыда бу кўрсаткич 91,7 % га тенг бўлди.

Юқоридаги тажрибалар Полимикродиамин препарати билан ҳам ўтказилди. Олинган натижаларга кўра сув билан ишлов берилган (препаратсиз) тухумлардан чиққан қуртлар (назорат варианты) индукция қилингандан сўнг, уларнинг биологик кўрсаткичлари, тажриба вариантларига нисбатан анча паст бўлади. Масалан, тажриба вариантларида қуртлар ҳаётчанлиги 77,0-89,0 % бўлса, қиёсловчи вариантыда эса 61,0 % ташкил этди.

Тажрибанинг 1-3-вариантларида (0,01; 0,03; 0,05 %) индукциядан сўнг қуртларнинг ҳалок бўлиши 5,0-7,0 % ни ташкил этди. Тухумларга Полимикродиамин билан ишлов берилганда, ядро полиэдроз билан ҳалок бўлган қуртлар 10,0-12,0 % га етди. Фитобакс ишлатилган вариантда нормал пиллалар сони 84,0-89,0 %, Полимикродиамин препаратида эса 77,0-89,0 % бўлди. Тажриба вариантларида пилланинг ўртача оғирлиги 1,71-1,82 г орасида, назоратда эса 1,63 г дан иборат. Фитобакс препарати билан тухумга ишлов бериш 1 дан пилла ўртача оғирлигига таъсир этди (1,80-1,82 г). Полимикродиамин препаратининг турли концентрациялари билан ишлов берилганда 1 дона пилла оғирлиги 1,71-1,74 г ни ташкил этди. Бунга кўра,

назоратда пилла ҳосили 1,99 кг тухумларга ишлов берилган вариантларига нисбатан сезиларли даражада паст бўлди. Ипак қурти тухумларига биостимуляторлар билан ишлов берилгандан кейин, қуртлар ҳаётчанлиги, 1 та пиллани ўртача оғирлиги, 1 г қуртдан олинган ҳосилдорлик назорат вариантыга нисбатан ортиши кузатилмади.

Айнан 0,03 % ли Фитобакс препарати тут ипак қуртини соғломлаштириб биологик реакциясини кучайтирди ва моддалар алмашинувини фаоллаштирди, бу эса қуртларнинг бир текис яхши ривожланишига олиб келади. Юқоридаги тажрибалар билан бир вақтда биостимуляторларни ўз-ўзидан пайдо бўладиган ядро полиэдроз касалининг юзага келишига қаршисинаб кўриш бўйича тажрибалар ҳам ўтказдик. Тут ипак қуртининг ядро полиэдрози касаллигига чидамлилигини ошириш мақсадида, қуртлик босқичида препаратларни синаб кўриш бўйича ўтказилган тажриба натижалари 5-жадвалда келтирилган.

#### 5-жадвал

#### Қурт босқичида биостимуляторлардан фойдаланилганда тут ипак қуртининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари (2012-2014 йй.)

№	Препарат номи	Концентрация, %	Индукциядан сўнг қуртлар ўлими, %	Нормал пиллалар сони, %	Пилланинг ўртача оғирлиги, г	1 г қуртдан олинган пилла ҳосили, кг
1	Фитобакс	0,01	9,0	88,0±2,25	1,54±0,017	2,70
	Pd			0,999	0,999	
2	Фитобакс	0,03	12,0	81,0±3,47	1,56±0,023	2,72
	Pd			0,999	0,999	
3	Фитобакс	0,05	16,7	85,0±2,43	1,61±0,023	2,00
	Pd			0,999	0,999	
4	Полимикродиамин	0,01	15,3	72,0±2,48	1,42±0,006	2,00
	Pd			0,995	0,999	
5	Полимикродиамин	0,03	18,3	74,3±2,02	1,36±0,017	2,00
	Pd			0,999	0,898	
6	Полимикродиамин	0,05	17,7	70,0±3,06	1,39±0,011	1,95
	Pd			0,979	0,970	
7	Қиёсловчи (индукциясиз)	-	4,7	92,0±2,08	1,50±0,014	2,76
8	Қиёсловчи (индукция билан)	-	23,7	60,7±4,05	1,36±0,028	1,65

Олинган натижаларга кўра, қуртларни III-ёшнинг охири ва IV-ёшнинг бошида Фитобакс ва Полимикродиамин препаратлари сепилган барглар билан 2 мартадан боқиш, қуртлар ҳаётчанлигини ошишига олиб келди, натижада кўп миқдорда соғлом пиллалар олинди. Препаратлар фойдаланилганда, қиёсловчи варианты каби қуртларнинг сариқ касалидан халок бўлиши кузатилмади. Сариқ касалига индукция қилинган, препаратсиз назорат вариантыда эса қуртларнинг нобуд бўлиши 23,7 % ташкил этиб, бунинг натижасида нормал пиллалар миқдори, қиёсловчига нисбатан кам

(60,7%) шунга мос равишда 1г боқилган қуртлардан олинган пилла ҳосили ҳам 1,65 кг тажриба вариантларига (1,95-2,72 кг) нисбатан паст.

Шуни таъкидлаш жоизки, 1-3-вариантлардаги индукциядан сўнг қуртлар халокати 9,0-16,7 % га тенг бўлди. Энг яхши натижа 1-вариантда кузатилади, бунда қуртлар Фитобакс 0,01 % сепилган тут барги билан боқилди. Бу вариантда ҳосил бўлган соғлом пиллалар миқдори 88,0 %, мос равишда 1г қуртдан олинган пилла ҳосили - 2,70 кг ташкил этади. Синов натижалари баён этилган жорий қилиш далолатномаси келтирилган. Пиллакорларнинг фикрича, ишлов берилган тухумлардан чиққан қуртлар бир текис ривожланган, бир вақтда ухлаган, уйғонган ва дастага ёппасига чиққан, олинган пиллалар соғлом бўлиб, касалликлар кузатилмаган. Демак, ўз-ўзидан пайдо бўладиган ядро полиэдрози касаллигига қарши курашда, ипак қуртларини боқиш даврида АЛЕУ ва Фитобакс воситаларидан фойдаланиш мумкинлиги исботланди.

